



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИННИГ ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 5-боби ва “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

### ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2017 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг айrim ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгашининг таркибини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга тегишли 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу Қарор Конституциявий судининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Конституциявий суди**

Тошкент ш.,  
2021 йил 31 май,  
КСҚ-8-сон